

Тадаббур



15:04 / 06.09.2024 1837

Аллоҳ таоло айтади: «**Фориғ бўлсанг, (ибодатга) урингин. Ва фақат Роббингга рағбат қилгин**» *(Шарҳ сураси, 7-8 -оятлар).*

1. **Фориғ бўлсанг, (ибодатга) урингин** - яъни, намозингдан ёки динни етказишдан ёки курашдан фориғ бўлсанг, дуода жидди жаҳд қил ва Аллоҳдан ҳожатларингни сўра ёки ибодатга урин, машғул бўл.

2. **Ва фақат Роббингга рағбат қилгин** - яъни, жаннатга интилган рағбат қилган, жаҳаннамдан қўрққан ҳолингда Унга тазарруъ қил.

«Зубдатут тафсир»дан.